

ФОРС-ТОЖИК ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИДА ЭРОНИЙ ТИЛЛАРГА МАНСУБ ИҚТИСОДИЙ ВА САНОАТ ТЕРМИНЛАРИ ЭТИМОЛОГИЯСИ

Баҳром Саидкулович ТОШБОЕВ

таянч докторант

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

bahromsaidkulovich@gmail.com

Аннотация

Мақолада X-XIII асрларда форс-тожик тилида ёзилган тарихномалардаги иқтисодий соҳага оид ҳамда саноат соҳаси билан боғлиқ терминлар хусусидаги қарашлар таҳлил қилинади ва кейинги тадқиқотлар билан солиштирилади. Тадқиқ этилган “Тарихи Табарий”, “Форснома”, “Тарихи Байҳақий”, “Зайн-ул-ахбор”, “Тарихи Яминий”, “Систон тарихи”, “Бухоро тарихи” каби тарихий асарларда гидрифий, мухаммадий, мусаййибий каби пул бирликлари, занданажий миллий матоси ҳамда ҳамдостоний каби солиқ турига доир лексик бирликларнинг келиб чиқиши ҳақидаги этимологик қарашлар келтирилади.

Таянч сўзлар: этимология, гидрифий, мухаммадий, мусаййибий, занданажий, хирож, ҳамдостоний, санок саройи, тил тарихи, иқтисодий терминлар, миллий мато.

ЭТИМОЛОГИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ И ПРОМЫШЛЕННЫХ ТЕРМИНОВ ИРАНСКИХ ЯЗЫКОВ В ПЕРСО-ТАДЖИКСКИХ ИСТОРИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ

Баҳром Саидкулович ТОШБОЕВ

Базовый докторант

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

bahromsaidkulovich@gmail.com

Аннотация

В данной статье анализируются взгляды на термины, относящиеся к экономической сфере и промышленной сфере в историях, написанных на персидско-таджикском языке в X-XIII вв., и сравниваются с последующими исследованиями. В исторических произведениях, таких как «Тарихи Табари», «Форснамэ», «Тарихи Байхаки», «Зайн-уль-Ахбар», «Тарихи Ямини», «История Систана», «История Бухары», таких как гидрифий, мухаммади, мусайби, мы можем наблюдать этимологические представления о происхождении лексических единиц, таких как национальная ткань занданаджи и налоговый тип, называемый хамдостани.

Ключевые слова: этимология, гидрифий, мухаммади, мусайби, занданаджи, хиродж, хамдостани, санок сарай, история языка, экономические термины, национальная ткань.

X-XIII асрларда форс-тожик тилида битилган “Тарихи Табарий”, “Форснома”, “Тарихи Байҳақий”, “Зайн-ул-ахбор”, “Тарихи Яминий”, “Систон тарихи”, “Бухоро тарихи” каби тарихий асарларда изоҳларган форс-тожик тилига мансуб сўзларнинг тилшунослик илмидаги аҳамияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи навбатда, уларнинг бизгача етиб келган дастлабки манба эканлиги диққатга сазовор. Форс-тожик тилида ёзилган ва бизгача етиб келган илк луғавий асар Асадий Тўсийнинг “Фурс луғати” XI асрнинг иккинчи ярмида тузилган бўлиб, бунгача “Тарихи Табарий”, “Бухоро Тарихи”, “Зайн-ул-ахбор” каби тарихномалар ёзилгани ва уларда дақиқ луғавий ва этимологик таҳлиллар мавжудлиги тарихий асарларнинг айни луғатшунослик соҳасидаги аҳамиятини кўрсатиб беради. Қолаверса, “Фурс луғати” форс-тожик луғатшунослигининг илк тажрибаси бўлгани учун унда асосий эътибор сўзларнинг луғавий маъносига қаратилган, аммо лексик birlikларнинг тилларга мансублиги, кўп маънолилиқ хусусиятлари каби масалаларга эътибор қаратилмаган. Асадий Тўсийнинг луғатшуносликдаги ўзига хос услуби қисқа шарҳлаш усулида луғат яратилганлигидир. Биз тадқиқ қилган тарихий асарларда эса кўпгина луғавий ва этимологик қарашларнинг чуқурроқ таҳлилларини кузатиш мумкин.

Шу сабабдан муаррихларнинг лексик birlikлар изоҳи ва этимологиясига доир қарашлари кейинги даврларда яратилган луғавий асарларнинг қимматли манбаига айланган. Жумладан, “Бурҳони қотей”, “Тўхфат-ул-аҳбоб”, “Баҳори ажам”, “Ғиёс-ул-луғот”, “Тожик тили луғати”, “Муин луғати”, “Деҳхудо луғати”, “Форс тили этимологик луғати” каби луғатномаларда қайд этилган тарихий асарларга такрор мурожаат қилиниб, кўпгина ҳолларда тарихномаларнинг назариялари илмий асос сифатида қабул қилинади. Шу боис, аксар ҳолларда муаррихлар ва луғатшунослар фикрлари ўзаро мос келади.

Юқорида зикр этилган тарихий асарларда мусаййибий, муҳаммадий, гидрифий, занданажий, хирожи ҳамдостоний, саройи шумурда(санок саройи)

каби иқтисодиёт ва саноат соҳаларига доир атамаларнинг лексик маънолари, келиб чиқиш тарихи, тилларга мансублиги каби этимологик хусусиятлари ҳақидаги фикрларни кузатиш мумкин. Ушбу сўзлардан мусаййибий, муҳаммадий (дирҳам турлари номи сифатида) хирожи ҳамдостоний каби сўз ва сўз бирикмаларининг шарҳи ушбу луғатларда учрамаслиги тарихномаларнинг тилшунослик нуқтаи назаридан аҳамиятини янада ошириб, янги луғатлар тузиш зарурати ва бунда тарихчилар қайдларига кўпроқ эътибор қаратиш кераклигини кўрсатади.

Занданажий сўзининг шарҳида Наршахийнинг таҳлиллари тилшуносларга нисбатан муфассалроқ бўлиб, бу борада тарихий асарларнинг луғатномаларга нисбатан устунлиги сезилиб туради. Шу билан бирга айрим ўринларда тарихий асарларнинг ўзига хос – ривойий этимологияга таяниш хусусияти сезилиб, бугунги илмий хулосаларга мувофиқат қилмайдиган қарашлар асос сифатида қабул қилинган. Шу жумладан “зиндик” сўзининг шарҳида “Форснома”да келтирилган этимологик қараш нисбатан ноқисроқ бўлиб, сўзнинг изоҳида халқ орасидаги бўёқдор маъноси асос қилиб олинган ва бу борада тилшунослар фикрига бир қадар мос келмайди.

Айни шу баҳсли масалаларни ўрганиш, аҳамиятлилик даражасини таҳлил қилиш, тарихий асарлардаги сўзлар маъноси ва этимологиясига доир лисоний қарашларни луғатшунослик ва тилшунослик ютуқлари билан қиёслаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ғидрифий, муҳаммадий, мусаййибий. X-XIII асрларда яратилган тарихий асарларда бир қанча иқтисодий терминлар, хусусан, олди-сотди, солиқ-бож ҳамда маиший ҳаётга доир масалаларни ҳал этишда муҳим рол ўйнаган пул бирликлари, уларнинг номланиши, турлари ҳақида сўз боради. Жумладан, “Бухоро тарихи” ҳамда “Зайн-ул-ахбор” каби асарларда муҳаммадий, ғидрифий ҳамда мусаййибий дирҳами турларининг номланиши ва бу номланиш сабаблари, тарихи ҳақида тўхталиб ўтилган.

Пул бирликлари 3000 йил атрофидаги тарихга эга бўлиб, яратилиш давридан бошлаб маълум бир номланишларни олган. Иқтисодий муомала воситаси бўлган пуллар номи кўпинча давр ҳукмдорлари шахсияти билан боғлиқ бўлиб, подшоҳлар номлари, суратлари тангаларга зарб этилган. Кўпинча пул номлари ҳам тарихий ҳукмдорлар номларига қўйилган. Мусаййибий, мухаммадий ва ғидрифий дирҳамларининг номланиши ҳам тарихий ҳукмдорлар номлари билан боғлиқлиги қайд этилган тарихий асарларда кўрсатилган.

“Ғидрифий” – Бухоро тангасининг номи бўлиб, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида бу пул бирлиги ва сўздаги фонетик ўзгаришлар ҳақида муҳим маълумотлар айтиб ўтилади. Муаррихнинг қайд этишича, Ғитриф бин Ато бир муддат Хуросон ҳокими бўлади ва унга тобе бўлган Бухоро аҳли Бухорода танга зарб қилишни илтимос қиладилар. Ғитриф танга зарб қилинишига ижозат беради ва бу тангага унинг номи берилади. Халқ тилида сўз таркибидаги “т” ундоши ўзининг жуфт товуши бўлган “д” ундоши билан ўрин алмашиб, “ғидрифий” шаклида ишлатилади: “олдинги қолипда Ғитриф номи билан зарб урдилар, яъни “сийми ғитрифий” ва авом халқ уни “ғидрифий” дедилар” [5.33].

Ғитриф сўзи асли араб тилига мансуб бўлиб, “Тожиқ тили луғати”да “қабила бошлиғи, катта киши, буюк; олижаноб ва шариф”[9.652] маъноларини бериши қайд этилган. Бундай изоҳлаш араб тили изоҳли луғатлари билан ҳам мос келади, аммо такидлаш жоизки, ғитрифий пул бирлигининг номланиши сўзнинг луғавий маъносидан эмас, балки ўша давр амири номидан келиб чиққан. Наршахийнинг ушбу маълумотлари бошқа бир тарихий асар Гардезийнинг “Зайн-ул-ахбор” тарихномасида ҳам тасдиқланади: “Кейин Ҳорун Хуросонни Ғитриф ибн Ато ал-Киндийга берди. Ва у Бухорода олди-берди қилиш учун ғитрифий дирҳамини зарб уришни буюрди”[5.163].

Гардезий бу маълумотларга илова тариқасида мусаййибий ва мухаммадий дирҳамларининг ҳам номланиши шахс номлари, яъни асосчилари ва замон ҳукмронлари исмларидан келиб чиққанини келтириб ўтади: “...ғитрифий Ғитриф ибн Ато ал-Киндий ва мухаммадий Муҳаммад ибн Зубайда исми билан айтилгани каби Мавароуннаҳрда ишлатиладиган мусаййибий дирҳами унинг (Мусаййаб ибн Зухайр – *Б.Т.*) исми билан айтилади”[5.162].

“Бухоро тарихи” ва “Зайн-ул-ахбор” асарлари орқали биз мухаммадий, ғитрифий, мусаййибий каби иқтисодий атамалар ҳақида маълумотга эга бўламиз. Бу пул бирликлари гарчи маълум қисқа тарихий давр давомида муомалада бўлган бўлса ҳам, уларнинг мавжудлиги, айниқса, келиб чиқиш тарихи бевосита шу даврларда яратилган тарихий асарлар орқали етиб келган. Санаб ўтилган дирҳам турлари изоҳи луғатларда учрамаслиги ва терминларнинг луғавий маъноси билан боғлиқ эмаслигини инобатга олсак, ушбу сўзлар этимологиясини аниқлашда муаррихлар хизматининг баҳоси янада ошади.

Занданажий. Наршахий Бухоронинг машҳур саноат термини – “занданажий” бўзи ҳақида маълумот бериб, матонинг айнан шундай номланишини унинг ишлаб чиқариш жойи бўлмиш Зандана қишлоғи билан боғлиқлигини тасвирлайди: “Ва бу ердан чиқадиган бўзни “занданажий” дейдилар, яъни Зандана қишлоғидан. Бу ерда ҳам яхши ва ҳам кўп бўлади. Ва бу бўздан Бухоронинг кўп қишлоқларида тўқийдилар ва уларни ҳам олдин шу қишлоқдан чиққанлиги учун “занданажий” дейдилар”[11.17].

Тарихномада занданажий муаррих яшаган даврнинг матоларидан ҳисобланиб, уни дунёнинг турли мамлакатларига олиб борилиши, қимматбаҳо мато эканлиги ҳамда подшоҳлар шундан тикиладиган кийимларни кийиши ҳақида маълумот берилади: “Ва бу бўздан Ироқ, Форс, Кармина, Ҳиндистон ва ундан бошқа вилоятларга олиб борадилар. Барча

улуғлар ва подшоҳлар ундан кийим қиладилар ва ипак мато (ҳарир) баҳосида сотиб оладилар”[11.17].

Занданажий матоси ҳақида луғат китобларида маълумотлар мавжуд ва барча луғатларда сўзнинг изоҳида “Бухоро тарихи”дан иқтибос келтирилади. Илмий маълумотларга кўра занданажий карбоси Суғд халқларининг миллий матоларидан ҳисобланиб, у ипакдан тўқилган ва ҳатто ипак юрти бўлмиш Чин мамлакатига ҳам олиб борилган. Унинг шуҳрати шу даражада эдики, XVII асрларда Россияда Марказий Осиёда ишлаб чиқилган барча матолар “зандан” (зенден) номи билан аталарди. Гарча сўзнинг келиб чиқиш маъноси, яъни Зандана топонимининг қайси тилга мансублиги ва қандай маъно англатилиши ҳақида “Бухоро тарихи” таҳлиллар берилмаган бўлсада, асар муаллифи айнан занданажий матосининг этимологиясини унинг ишлаб чиқилган маскани билан боғлаб, кейинги муҳақиқлар учун қимматли маълумот қолдиради ва барча тадқиқотларда Наршахий фикрлари асос сифатида қабул қилинган.

Хирож ҳамдостоний (*машварат хирож*), *сарои шумурда (санок саройи)*. Сўз бирикмаси шаклидаги иқтисодий атама маънолари унинг жорий этилиш тарихи билан боғлиқ. Балъамийнинг “Тарихи Табарий” асарида келтирилган маълумотга кўра, Ажам мулуқларидан Акосира сулоласи асосчиси Анўшервон (Нўширавон, Нўширвон) халқдан олинадиган солиқ учун янги тартиб жорий этади ва бу тартиб халқ ризолиги асосида бўлганлиги учун “ҳамфикрлик, ҳамкорлик, шериклик” маъноларидаги ҳамдостоний номи билан машҳур бўлади ва бу солиқ жамланадиган сарой “Саройи шумурда”, яъни “Санок саройи” деб юритилди: “Анўшервон ерларни ўлчатади, халқни йиғиб, уларнинг ҳамфикрлигида йилда уч-тўрт марта, ҳар уч ойда (солиқ) беришни жорий қилди. Шунинг учун ҳам бу хирожни хирож ҳамдостоний номладилар, яъни молу-р-ризо. Ва бу номни Анўшервон қўйди. ... Ва бу хирож жамланадиган саройни сарои шумурда (санок саройи) номладилар”[2.648].

Айни халқ эҳтиёжи асосида қилинган ишлар ва жорий қилинган енгил солиқ тўлаш тартиби сабаб Анўшервонга Додгар, Одил лақаблари берилган. Бирикманинг “ҳамдостоний” сўзи унинг яратилиш тарихи ва форс-тожик тили билан боғлиқ бўлиб, “Тарихи Табарий” асари яратилиш даврларида араб тилидан ўзлашган “хирож” сўзи билан бирикма ҳосил қилинган. Демак, бирикма номланиш даврида ҳамдостоний шаклида бўлган ёки хирож маъносини ифодалайдиган бошқа сўз унинг ўрнига ишлатилиб келинган. Халқ орасида хирож атамаси оммалашганидан кейин Анўшервон жорий этган солиқ тўлаш тартиби “хирожи ҳамдостоний” номи билан сақланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асадии Тўсей. Луғати фурс. – Хўҷанд: Нури маърифат, 2015. – 491 с.
2. Балъамӣ М.А. Таърихи Табарӣ. Ҷилди 1. – Техрон: Нашри замон, 1380/2001. – 817 с.
3. Балъамӣ М.А. Таърихи Табарӣ. Ҷилди 2. – Техрон.: Нашри замон, 1380/2001. – 816 с.
4. Расторгуева В.С., Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. Том 1. – Москва: Восточная литература, 2000 . – 326 с.
5. Гардезӣ А. Зайну-л-ахбор. – Душанбе: Бухоро, 2014. – 415 с.
6. Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. Том 4. – Москва: Восточная литература, 2011. – 414 с.
7. Зеҳнӣ Т. Аз тарихи лексикаи забони тоҷикӣ. – Душанбе: Дониш, 1987. – 234 с.
8. Зеҳнӣ Т., Капранов А. ва дигарон. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷилди 1. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – 951 с.
9. Зеҳнӣ Т., Капранов А. ва дигарон. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷилди 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – 949 с.
10. Ибн Ал-Балхӣ. Форснома – Душанбе: Дониш, 1989. – 158 с.
11. Наршахӣ М. Таърихи Бухоро. – Душанбе: Дониш, 1979. – 118 с.

12. Таърихи Систон [муллифи номаълум]. – Душанбе: Бухоро, 2014. – 350 с.
13. Ўбаҳӣ Ҳ. Тӯҳфат-ул-аҳбоб. – Душанбе: Ирфон, 1992. – 197 с.
14. Ғиёсуддин М. Ғиёс-ул-луғот. Ҷилди 1. – Душанбе: Адиб, 1987. – 480 с.
15. Ғиёсуддин М. Ғиёс-ул-луғот. Ҷилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988. – 416 с.
16. فرهنگ ریشه‌شناختی زبان فارسی. محمد حسن دوست. جلد یوم. فرهنگستان زبان و ادب فارسی. نشر آثار/ تهران. ۱۳۹۳.